

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINIING  
ҚАРОРИ**223 Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг профессионал билимларини ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва ахборот технологиялари билан ишлаш борасидаги амалий кўникмаларини доимий равишда янгилашни, республика ва жаҳон тиббиёти соҳасидаги охириги ютуқлардан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари этиб белгилансин:

тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашнинг замонавий жаҳон талабларига жавоб берадиган ягона ташкилий тузилмасини яратиш;

олий тиббий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, етакчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари кадрлар салоҳиятидан ва моддий-техник базасидан фойдаланиш йўли билан амалий соғлиқни сақлаш учун мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш;

аудитория ўқув соатлари ва клиник амалиётнинг мақбул равишда бирга қўшиб олиб борилишини назарда тутувчи бирхиллаштирилган ўқув дастурлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, замонавий ускунада ишлаш тажрибасини орттириш учун шарт-шароит яратиш, унинг ёрдамида олинган диагностик маълумотларни изоҳлаш;

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини мажбурий ошириш тизимининг профессор-ўқитувчи кадрлари малакасини ошириш, шу жумладан хорижда етакчи тиббиёт муассасаларида ошириш тизимини жорий этиш;

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш тизими муассасаларининг илғор хорижий клиникалар ва олий тиббий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш, етакчи хорижий мутахассисларни соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим беришнинг талаб юқори бўлган йўналишлари бўйича таълим жараёнига жалб этиш учун шарт-шароит яратиш.

**2. Қуйидагилар:**

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш схемаси 2-иловага мувофиқ;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансин, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

клиник ординатура Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тиббиёт олий таълим муассасаларида базавий врачлик мутахассисликлари ихтисосликлари бўйича республика ихтисослаштирилган марказларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўтказилади;

бирламчи ихтисослаштириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, тиббий олий таълим муассасалари малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш марказида ва уларни минтақавий филиалларида ўтказилади;

бирламчи ихтисослаштириш курслари, умумий амалиёт врачларини умумий ва мавзули малака ошириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ихтисосли кафедраларида ва тиббиёт олий таълим муассасаларида ўтказилади;

тиббиёт ходимларининг умумий малакасини ошириш курслари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, тиббий олий таълим муассасаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларида, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш марказида ва унинг минтақавий филиалларида ўтказилади;

тиббиёт ходимларининг қўшимча ихтисослашиши ва мавзули малака ошириш курслари тиббиёт олий таълим муассасаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларида, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш марказида ва минтақавий филиаллари, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, етакчи даволаш-профилактика ва илмий-текшириш муассасалари, фармацевтик ташкилотларда ўтказилади.

4. Қуйидагилар Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимлари, врачлар, олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари, шунингдек, тиббий техникаси бўйича муҳандис-техник ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни таъминлайдиган муассасалар ва бўлимлар фаолиятига ташкилий, методик раҳбарлик қилиш;

замонавий жаҳон тенденцияларига ва соғлиқни сақлашнинг амалий эҳтиёжларига мувофиқ тиббиёт ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида илмий-методик асосларни, ўқув-методик ҳужжатларни, таълим жараёнини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва бирлаштириш;

соғлиқни сақлаш тизимининг раҳбар ходимлари, врачлар, олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари, тиббий техникаси бўйича муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, клиник ординатурада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири-

ги томонидан белгиланадиган мутахассисликлар бўйича врачларни қайта тайёрлашни ташкил қилиш;

соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва иқтисодиёти, тиббиёт техникасини ривожлантириш ва ундан фойдаланишнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тиббиёт фани ва амалиётига интеграциялаш, олий малакали илмий-педагогик кадрлар;

бирламчи тиббий-санитария ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам стандартлари ва клиник протоколларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва тиббиёт муассасалари амалий фаолиятига жорий этиш;

ўз фаолияти ихтисосликлари бўйича етакчи республика, халқаро, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти клиник базасининг асоси этиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-республика клиника касалхонасини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

уч ой муддатда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин, унинг яқунлари бўйича тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими зарур билимларига ва амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали ташаббускор кадрлар билан бутланишини таъминласин;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари ва тиббиёт техникаси бўйича муҳандис-техник ходимлар малакасини оширилишини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда икки ой муддатда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг мазмун ва сифатига қўйилган талабларни, шунингдек, мутахассислар тайёрлашнинг ҳар бир йўналиши учун ўқув дастурлари қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ва аҳолига тиббий хизматлар кўрсатувчи бошқа ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг ягона электрон маълумотлар базаси жорий этилсин.

7. Белгилансинки:

асосий ишидан ажралмаган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларнинг бутун ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолинади;

асосий ишидан ажралган ҳолда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсига юборилган бошқа шаҳарлик тингловчиларга ўқиш жойига бир мар-

та келиш ва кетиш, шунингдек, юборувчи томон ҳисобига яшаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

8. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаментига юклатилсин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 4 апрель,  
174-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 4 апрелдаги 174-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 4 апрелдаги 174-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш СХЕМАСИ

### I. Қайта тайёрлаш

Клиник ординатура	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ, республика ихтисослаштирилган марказлари, базавий врачлик мутахассисликлари йўналишлари бўйича ИТИ
Бирламчи ихтисослаштириш	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари
Қўшимча ихтисослаштириш	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, илмий-тадқиқот муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш-профилактика муассасалари, фармацевтика ташкилотлари

### II. Малака ошириш


Умумий малака ошириш	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари
Мавзули малака ошириш	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, илмий-тадқиқот муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш-профилактика муассасалари, фармацевтика ташкилотлари

### III. Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш	ТошВМОИ, тиббиёт ОТМ
---------------------------------	----------------------

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 4 апрелдаги 174-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони (профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи ходимлар, факультетлар ходимлари, шунингдек, эксплуатацион-техник ва хўжалик бўлими техник ва хизмат кўрсатиш ходимларини ҳисобга олмаганда) — 64 нафар, улардан бошқарув ходимлари — 20 нафар,  
\* — штатлар Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига таъминланади.

\*\* — штатлар Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва грантлар, шу жумладан давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига таъминланади.

\*\*\* — штат бирликлари сони олий таълим муассасалари учун назарда тутилган нормативлар бўйича белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
1-Республика клиник шифохонаси